Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 27 ноябрь, пайшанба, №128 (3629).

Президент

ҚОЗОҒИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: Стратегик ҳамкорлик янада ривожланади

Kazinform. Астана шаҳрида Қозоғистон ва Туркманистон раҳбарлари ўртасида кенгайтирилган музокаралар ўтди.

Учрашувда Сардор Бердимуҳамедов икки давлатни ўзаро тарихий илдизлар, маданий яқинлик ва анъаналар бирлаштиришини таъкидлади. Унинг айтишича, муносабатлар 2017 йилги Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда 2024 йилги Дўстлик ва кўп қиррали стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш декларацияси асосида изчил давом этмоқда.

Туркманистон раҳбари икки мамлакатнинг тинчлик ва хавфсизлик, энергетика барқарорлиги, транспорт-коммуникация йўналишлари, иқлим ўзгаришига қарши кураш каби соҳалардаги ҳамкорлигига юксак баҳо берди.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳамкорлик барча йўналишларда мустаҳкамланиб бораётганини қайд этар экан, Қозоғистон томони Туркманистон иқтисодиётига 150 миллион доллардан зиёд сармоя киритганини маълум қилди. Туркманистон капитали иштирокида эса Қозоғистонда 140га яқин компания фаолият юритмоқда.

Сўнгги беш йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми тўрт бараварга ошиб, бугунги кунда ярим миллиард доллардан зиёдни ташкил этди. Транспорт, саноат, логистика, энергетика, айниқса, газ соҳасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари ҳукуматларга бизнесни қўллаб-қувватлаш ва янги қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Музокаралар натижалари икки мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги босқичга кўтариши кутилмоқда.

Тантанали маросим чоғида Қасим-Жўмарт Тўқаев Сардор Бердимуҳамедовни мамлакатнинг олий мукофоти – “Алтын Қыран” ордени билан тақдирлади.

Маданий ҳаёт

30 НОЯБРГАЧА ВИЛОЯТДА ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАР ЎТАДИ?

27 ноябрь. Конгресс-холл КТМда эстрада хонандаси Дўсимжан Танғатаровнинг ижодий кечаси.

Туркистон мусиқий-драма театрида “Қара сөз. Абай” спектакли.

28 ноябрь. Р. Сейтметов номли Туркистон шаҳар мусиқий-драма театрида қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг “Жонфидо” драмаси.

ҚОЗОҒИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ҚАНДАЙ КЕЛИШУВЛАРНИ ИМЗОЛАДИЛАР?

Музокаралар якунида Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Сардор Бердимуҳамедов Қўшма баёнот имзоладилар. Улар:

1. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Туркманистон Ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги битим;
2. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Туркманистон Ҳукумати ўртасида миграция соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим;
3. Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Туркманистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ўртасида пенсия таъминоти соҳасида ахборот ҳамкорлиги тўғрисидаги битим;
4. Қозоғистон ва Туркманистон Республикалари Адлия вазирликлари ўртасида ҳуқуқий соҳада ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
5. Қозоғистон ва Туркманистон Республикалари Қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида ветеринария тиббиёти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми;
6. Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Миллий аграр илмий таълим маркази ва Туркманистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ғалла экинлари илмий-тадқиқот институти ўртасида ветеринария тиббиёти соҳасида ҳамкорлик юзасидан ўзаро англашув меморандуми;
7. Қозоғистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида транспорт соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича 2026-2027 йилларга мўлжалланган қўшма ҳаракатлар режаси;
8. Қозоғистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги ҳамда Туркманистон Соғликни сақлаш ва тиббиёт саноати вазирлиги ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш бўйича асосий ҳаракатлар режаси;
9. Қозоғистон Республикаси Манғистов вилояти ҳокимлиги ва Туркманистоннинг Болқон вилояти ҳокимлиги ўртасида савдо иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўзаро англашув меморандуми;
10. Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий фанлар академияси ва Туркманистон Фанлар академияси ўртасида фан соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми;
11. Қозоғистон Республикаси Президенти Маъмуриятининг “Қозоғистон Республикаси Президентининг Телерадиомажмуаси” республика давлат қўмитаси ва Туркманистон телевидение, радиоэшиттириш ва кинематография давлат қўмитаси ўртасида ахборот соҳасида ҳамкорлик борасидаги битим.

Akorda.kz.

МОҲИР ҲУНАРМАНДЛАР ВА БЕҚИЁС САЙЁҲЛИК МАКОНИ

“TIITF-2025” анжумани доирасида Тўлебий тумани ҳокими Еркеғали Алимқулов хорижий сармоядорлар билан учрашувлар ўтказди. Мулоқот чоғида туманнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга қаратилган махсус лойиҳалар тақдим этилди.

Учрашувларда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, янги туристик иншоотларини очиш, хизмат кўрсатиш сифати ва қулайлигини таъминлаш, шунингдек, экотуризм йўналишларини кенгайтириш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Сармоядорлар туманнинг бой табиати, қулай иқлими ва географик афзалликларини қайд этиб, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирдилар.

Туман ҳокими сайёҳликнинг туман иқтисодиётида тутган ўрнига алоҳида тўхталиб, янги лойиҳалар маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, қўшимча иш ўринлари яратишга ва сармоявий муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Анжуман доирасидаги музокаралар туман сайёҳлик соҳасини янги босқичга олиб чиқишга қодир аниқ ташаббусларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Анжуман иштирокчилари тадбир доирасида туман ҳунармандлари буюмлари кўргазмасини томоша қилишди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

Брюсселда Қозоқ маданият маркази очилди

Kazinform. Бельгия пойтахтида гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ва чет элда яшовчи қозоқ диаспорасини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қозоқ маданият маркази очилди.

Марказ биносида болалар ва катталар қозоқ тилини, миллий анъаналарни ўрганиши мумкин, ўз она юртлари маданияти билан алоқаларни сақлаб, ижодий қобилиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлишади.

Марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Қозоғистоннинг Бельгиядаги элчиси Роман Василенко ушбу марказ маданий алоқаларни ривожлантиришга жўшқинлик бағишлашини таъкидлади.

– Энди қозоқ оилалари фарзандлари ўз тили ва маданий илдизларига қайтишлари мумкин бўлган масканга эга, – деди лойиҳа муаллифи Ардақ Мўлданиязова.

Қозоқ маданият марказида тил, дўмбира тўгараклари фаолият юритади, бу ерда ижодий студиялар мавжуд. Бу Марказий Европада яшовчи қозоқлар учун диққатга сазовор жой, Бельгия ва Қозоғистон ўртасидаги кўприкка айланади.

ОЛТИН ҚАНОТ ҚУШЛАР УЧСИН...

ТУРКИСТОНДАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЧ ШАҲРИГА ЯНГИ ҲАВО ҚАТНОВЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Kazinform. Декабрь ойидан эътиборан SCAT авиакомпанияси Туркистондан Ўзбекистоннинг Урганч, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига бевосита парвозларни амалга ошира бошлайди.

Шунингдек, Туркистон – Самарқанд – Туркистон йўналиши бўйича 3 декабрдан мунтазам қатновлар бошланади. Парвозлар ҳар чоршанба, жума ва якшанба кунлари амалга оширилади.

“Uzbekistan Airports” маълумотларига кўра, янги ҳаво йўналишлари Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳудудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, бизнес ва сайёҳлик оқимини оширишга хизмат қилади.

ДЕКАБРЬ ОЙИДА ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАР НЕЧА КУН ДАМ ОЛАДИ?

Kazinform. Бу йил қозоғистонликлар декабрь ойида қўшимча дам олиш кунига эга бўладилар.

Мустақиллик куни муносабати билан қўшимча дам олиш куни берилади. Ушбу байрам 16 декабрь, сешанба куни нишонланади. Шунинг учун мамлакат аҳолиси ҳафтанинг ўртасида дам олади. 31 декабрь эса – иш куни.

Обуна - 2026

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ХАЛҚ МИНБАРИ

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси келгуси йил 35 ёшга тўлади. Навқирон ёш. Доимий ҳамроҳингиз, севимли рўзномангизда чоп этилаётган турли мавзулардаги ранг-баранг, дилтортар мақола, хабар ва янгиликларни ўқиб, вилоят ҳамда мамлакат ҳаётидан воқиф бўлмоқдасиз. Газетхонларимиз мақолалар мазмундорлиги тобора ошиб бораётгани, шакли эса янгича қиёфа касб этаётганини алоҳида қайд этишмоқда

Рўзноманинг деярли ҳар сонида миллат равнақи, ислоҳотлар кўлами, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, истиқбол орзулари, миллий қадриятлар тўғрисидаги қизиқарли мақолалар бериб борилаётганлиги таҳририятда шаклланган услубнинг бир қисмидир.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда, жамиятда тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

Газета сизнинг, ҳамкасбларингиз ва оила аъзоларингизнинг – барчанинг яқин дўсти, ҳамроҳи бўлиб қолиши учун таҳририят ғайрат-шижоат билан истиқболли лойиҳалар асосида фаолият юритишни кундалик бурчи, вазифаси деб билади. Туркистон вилоятининг “Жанубий Қозоғистон” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга доим тайёр.

Марҳамат, азизлар, таҳририятга хат йўлланг, ташриф буюринг, қўнғироқ қилинг. Сизлар билан мулоқот, ҳамкорлик – газетанинг янада таъсирчан, ранг-баранг бўлишида муҳим омилдир. Нашримизнинг 35 йиллиги арафасида унинг ададини 15 мингга етказишга бор кучимизни сафарбар этайлик.

6 ойга обуна баҳоси: “Қазпошта” ҲЖ орқали – 5230 тенге;

ТАҲРИРИЯТ.

ЭЛЧИ БИЛАН УЧРАШУВ НАТИЖАСИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров Хитой Халқ Республикасининг Қозоғистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Хань Чуньли билан расмий учрашув ўтказди. Томонлар иқтисодий, сармоявий ҳамда минтақаларо ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ҳоким элчининг минтақага сафари Қозоғистон ва Хитой мамлакатлари ўртасидаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатлар раҳбарлари 2025 йил сентябрдаги эълон қилган "Янги олтин 30 йиллик" ташаббуси минтақалар ўртасида янги лойиҳалар учун кенг имкониятлар очиши маълум қилинди.

Айни пайтда хитойлик сармоядорлар билан бирга тўқимачилик кластерини яратиш, желатин ва мой маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган завод, мева қуритиш ва қайта ишлаш корхонаси, 300 МВт қувватга эга қуёш электр станцияси, видеоназорат камералари, пол қопламалари ҳамда газлама ишлаб чиқариш лойиҳалари йўлга қўйилган. Ушбу ташаббуслар минтақанинг саноат салоҳиятини юксалтириб, янги иш ўринларини очиш, экспорт доирасини кенгайтириш ҳамда юқори технологик корхоналарни ривожлантириш имконини беради.

Хитой элчиси Туркистон вилоятининг тараққиёт суръатига ижобий баҳо бериб, ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёрлигини билдирди.

Учрашув натижаларига кўра, томонлар қишлоқ хўжалиги, саноат, қайта ишлаб чиқариш, логистика ва сайёҳлик йўналишларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини тасдиқладилар. Ушбу йўналишда тегишли ишлар давом эттирилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

САУАН ШАҲРИ ДЕЛАГАЦИЯСИ САВРОНДА

Саврон туманида Хитой Халқ Республикасининг Шинжон уйғур автономия туманига қарашли Сауан шаҳрининг расмий делегацияси билан учрашув ўтди. Мазкур ташрифдан кўзланган асосий мақсад – минтақаларо иқтисодий, маданий ва ижтимоий йўналишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги ташаббусларни муҳокама қилиш ва ўзаро манфаатли шериклик доирасини кенгайтиришдан иборат.

Учрашувда Саврон тумани ҳокими Мақсат Танғатаров сўз олиб, икки ҳудуд ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, ишлаб чиқариш, инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларга доир таклифлар муҳокама қилинди. Томонлар ҳамкорликнинг келгусидаги устувор йўналишларни белгилаб, тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқдилар. Йиғилиш якунида иштирокчилар икки томонлама муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишига ишонч билдириб, учрашувдан мамнунлигини изҳор этишди.

Делегация ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқарадиган "BNK Group" бирлашмасининг ишлаб чиқариш цехларида бўлди. Мазкур корхона АҚШнинг "Nelson Irrigation" компанияси билан ҳамкорлигида "BNK IRRIGATION" бренди остида ёмғирлатиб суғориш машиналарини ишлаб чиқармоқда. Ушбу технология қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш имконини беради.

Шунингдек, делегация аъзолари "Aqniet Holding" корхонасининг ишлаб чиқариш майдонида бўлди. Компания таълим муассасалари учун мўлжалланган жиҳозлар ишлаб чиқаради. Сўнгги уч йилда корхона 50га яқин мактабларни зарур жиҳозлар билан таъминлаган.

Делегация вакиллари корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларига қизиқиш билдириб, келгусида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан таклифларни муҳокама қилдилар.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшеров "TURKISTAN INVESTMENT AND TOURISM FORUM – 2025" халқаро сармоявий анжуман доирасида хорижий сармоядорлар билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида вилоят раҳбари минтақа иқтисодиётида яратилаётган қулай шарт-шароитлар, сармоявий имкониятлар ва истиқболли лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берди. Ҳоким анжуманга ташриф буюрган сармоядорларга миннатдорчилик билдириб, ҳамкорликни ривожлантиришга доир таклифларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

G2B шаклидаги учрашувда Хитойнинг бир неча вилоятлари раҳбарияти, делегацияси ва сармоядорлари иштирок этди. Улар қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, қурилиш соҳалари бўйича ўз таклифларини билдирдилар. Шунингдек, қуёш ва сув электр станцияларини барпо этиш, инфратузилмани янгилаш, таълим соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш каби қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Тақдим этилган ҳар бир таклиф ва лойиҳа пухта ўрганилиб, амалий натижаларга эришиш учун тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ТУЯЧИЛИК – СЕРДАРОМАД ВА ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

Ўтрор туманида туячилик тармоғини ривожлантириш масалаларига бағишланган "Дромедар ва Бактриан туяларининг репродукцияси" мавзуида амалий семинар ташкил этилди.

Тадбирда ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қозоқ Миллий аграр тадқиқот университетининг профессорлари – биология фанлари номзоди Есенғали Усенбаев, ветеринария фанлари номзоди Қайрат Қўйбағаров, ветеринария магистри Серик Хизат, шунингдек, Республика туячиликни ривожлантириш палатаси раҳбари Мейрамбек Ермаханов ва "Жануби-Ғарбий чорва ва ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти" МЧБ директори ўринбосари Мариям Калгимбаева иштирок этди.

Йиғилишда туман ветеринария бўлими мутахассислари ва туячилик билан шуғулланувчи чорвадорлар ҳам иштирок этиб, соҳадаги долзарб масалалар ва тажрибалар муҳокама қилинди.

Семинар давомида туя парвариши бўйича замонавий усуллар, сунъий уруғлантириш усуллари ва репродуктив кўрсаткичларини яхшилашнинг асослари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Чорвадорлар мутахассисларга ўз саволларини йўллаб, амалий тавсиялар ва илмий кўрсатмалар олдилар.

Семинар якунида иштирокчилар туячиликни илмий асосда ривожлантириш, тажриба алмашиш ва ўзаро кенгайтириб олишга келишиб олдилар.

Г. ЕСЕТОВА,
вилоят тадбиркорлар палатаси котибаси.

САЙЁҲЛИК – ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Туркистон шаҳрида ўтказилаётган "TURKISTAN INVESTMENT AND TOURISM FORUM – 2025" халқаро сармоявий анжуман доирасида "Мультитуризм – минтақанинг барқарор тараққиёт гарови" мавзуида йиғилиш ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов, маҳаллий ва хорижий сармоядорлар, шунингдек, маҳаллий ижро идоралари вакиллари иштирок этиб, сайёҳлик соҳасини ранг-баранглаштириш йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Анжуманда минтақанинг экологик, этнографик, MICE ҳамда спорт-маданий йўналишларга асосланган ўзига хос сайёҳлик брендини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, инфратузилма ҳамда инсон капитали ривожини мажмуавий таъминлаш, халқаро сармояларни жалб этиш ҳамда сайёҳлик кластерларни жаҳон миқёсида илгари суриш каби масалалар муҳокама қилинди.

Сессияда "SkyWay" LTD" МЧБ директори Асем Қўзбағарова, "All Seasons Travel" компаниясининг Қозоғистондаги филиали директори – Жанар Раздан, "Әзірет Сұлтан" миллий тарихий-маданий қўриқхона музейининг илмий ходими Ақадил Турсинов, "Fly Arystan" компаниясининг савдо бўйича мутахассиси Мағжан Муратбеков, "SCAT Airlines" авиакомпаниясининг маршрут бошқарув бўлими бошлиғи Андрей Бибер, "Әзірет Сұлтан" миллий тарихий-маданий қўриқхона музейининг сайёҳбони, Халқаро Туризм ва меҳмондўстлик университети магистранти Ахатбек Баубековнинг маърузалари тингланди.

Тадбир давомида иштирокчилар минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, инфратузилмани такомиллаштириш, икки давлат ўртасидаги сайёҳлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва халқаро транспорт-логистикаси тизимини ривожлантириш масалалари, уларни амалга ошириш дастаклари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

СУРДОЛИМПИЯЧИЛАР ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТДИ

Токиода ўтган Ёзги Сурдолимпиада ўйинларида қозоғистонлик спортчилар улкан ютуқларга эришди. Туркистонлик спортчиларнинг муносиб иштироки мамлакат шарафини янада юксалтирди.

73 килограмм вазн тоифасида беллашган Қуандиқ Шадияр барча рақибларини мағлуб этиб, Сурдолимпиада чемпиони бўлди. 100 килограмм вазнда куч синашган Тўқтарбек Айдарбек финалгача ишонч билан етиб келиб, ҳал қилувчи беллашувда кумуш медални қўлга киритди.

Ғолиб спортчилар Туркистон халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. Уларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев, яқинлари, мураббийлари ва мухлислар самимий қарши олишди.

Ертай Алтаев ўз табригида спортчиларнинг мамлакат шарафини юксалтиргани, байроғимизни халқаро майдонларда сарбаланд этгани учун миннатдорчилик билдирди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

СЎЗОҚДАГИ КОЛЛЕЖДА 15 ХИЛ ИХТИСОС ЎРГАТИЛАДИ

2025 йил – Ишчи касблари йили

Сўзоқ туманидаги Бейсен Талғат Хайдоллаули раҳбарлик қилаётган 1-сонли коллеж Сўзоқ қишлоғида жойлашган. Турли йилларда ушбу ҳунар-таълим даргоҳини тажрибали устозлар – Балтабай Абдраманов (1959-1962), Пернебай Мақулбеков (1962-1986), Жақсилиқ Ўспанов (1986-1991), Ўскен Берғазиули (1991-2007), Марат Ушибаев (2007-2014), Бақдаулет Қўрдашбеков (2015-2025) самарали раҳбарлик қилишди.

Коллеж директори 1959 йилдан бошлаб фаолият юритаётган ҳунар ўқув даргоҳи 70 миндан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Сўзоқ тумани учун ягона, масалан, устозлар зиммасидаги масъулият мўл эканлигини таъкидлади. Коллежда айни пайтда 15та ихтисослик бўйича 461 нафар талабага 56 муҳандис-устозлар аҳли сифатли таълим-тарбия бермоқда.

"Жанубий Қозоғистон" обунасини коллеж директори ўринбосари, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Руслан Атажиев ташкил этиб, она тилимизда давлат сиёсатини тарғиб этишда ўрнак кўрсатмоқда.

Коллежда талабалар қуйидаги ихтисосликлар: фойдали қазилма бойликлар технологияси, нефть ва газ конларидан фойдаланиш, лаборатория технологияси, рангли металлар металлургияси, технологик жараёнларни бошқариш, химия технологияси ва ишлаб чиқариш, автомобиль йўллари, аэродромлар қурилиши ва фойдаланиш, токарлик иши, қишлоқ хўжалиги механизацияси, чилангарлик иши, пайвандлаш, тикувчилик, саноат ишлаб чиқариш соҳасида машина ва ускуналардан фойдаланиш, электр ускуналари ҳамда зоотехника бўйича ўзлари танлаган соҳани эгалламоқда. 2019 йили ўқув жараёни учун 200 ўринли бино ҳамда 50 ўринли ўқув ишлаб чиқариш устахонаси фойдаланишга берилди. Айни пайтда коллежда талабалар учун 120 ўринли ётоқхона қурилиши давом этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, туман ҳокимлиги ташаббуси ила "Ишчи йили" муносабати билан ташкил этилган барча тадбирлар "Жанубий Қозоғистон" газетаси саҳифаларида батафсил ёритилмоқда.

Коллеж устозлари ва талабалар аҳлига омад, саодат ёр бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Сўзоқдаги коллеж директори Бейсен Талғат Хайдоллаули; ушбу ҳунар-таълим даргоҳини самарали бошқарган тажрибали устозлар.

Муаллиф суратга олган.

СЕНАТОР ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

ҚР Парламент Сенатининг депутати Алишер Сотволдиев ҳамда Тўлебий туманидаги "Тоғойна" мактаби директори Жамол Қодиров Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги "Сайрам" тиббиёт коллежида талабалар билан учрашдилар.

Даврани бошқарган "Жанубий Қозоғистон" газетасининг Сайрам тумани бўйича мухбири З. Мўминжонов тадбир аввалида куни кеча ҚР Мудофаа вазирлиги университетининг "Фахрий профессор" унвонига ноил бўлган Алишер Ғофуржон ўғлини табриклади. Шундан сўнг у меҳмонларнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида қисқача маълумот берди.

А. Сотволдиев Сайрам қишлоғида туғилган. У ўрта маълумотни З. Ҳусанов номли мактабда, олий маълумотни М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон, "Мирас" университетлари ҳамда Тараз шаҳридаги Халқаро муносабатлар институтида олган. Меҳнат йўлини Сайрам тумани "Нур Отан" партияси филиалида бошлаб, 2016-2023 йилларда "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири лавозимида самарали меҳнат қилган. Ҳозирда ҚР Парламент Сенатининг Халқаро муносабатлар, мудофаа ва хавфсизлик қўмитасида фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, ҚХА журналистлар ва блогерлар клуби раиси ҳамдир.

Учрашув давомида сенатор Президент Қ. Тўқаев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эндиликда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, Парламентдаги фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди. Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Жамол Қодиров 1991 йили Тўлебий туманининг Тоғойна қишлоғида таваллуд топган, Шимкент тиббиёт коллежини тамомлаган. У 2015 йилдан таълим соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. У жорий йили Тўлебий тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси этиб сайланди. У ўз нутқида таълим тизимидаги янгиликлар, ўқитувчилик масъулияти ва ёшларни касбга йўналтиришнинг аҳамиятига тўхталди.

Учрашувда талабалар фаол иштирок этдилар. Улар меҳмонларга шахсий тараққиёт, келгуси режалар, малакали мутахассис бўлиш йўлидаги муҳим қадамлар ҳақида саволлар йўлладилар. Меҳмонлар ўз тажрибаларига таяниб, мақсад қўйиш, масъулият, меҳнатсеварлик ва фуқаролик нуқтаи назарининг аҳамияти ҳақида қимматли фикрлар билдирдилар.

Тадбир якунида Сайрам тиббиёт коллежи муассиси А. Баймағамбетов меҳмонларга ташриф ва самарали мулоқот учун миннатдорчилик билдирди. Коллеж директори Жанара Амирхан қизи жамоа номидан Алишер Ғофуржон ўғлининг кифтига тўн ёпиб, унга келгуси фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Маман кеңесі

ДЕНІҢІЗ САУ БОЛСА ДА, ЕМХАНАҒА НЕ ҮШІН БАРУ КЕРЕК?

Кейбір азаматтар қандай медициналық қызметтерді тегін медициналық көмектің кепілдендірілген көлемі (ТМККК) және міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыру (МӘМС) аясында алуға болатынын білмейді.

Ал емханаға тіркелу арқылы көптеген медициналық қызметті алып, қаражатты үнемдеуге болады. Осы жайлы толығырақ қарастырайық. Әлеуметтік медициналық сақтандыру қорында емханаңызды білудің қаншалықты маңызды әрі тиімді екенін тағы бір мәрте еске салады.

Қайда бару керек? Медициналық қызметтерді пайдалану үшін ең алдымен өз емханаңызды және учаскелік дәрігеріңізді білу маңызды. Егер сіз бұрын-соңды емханаға бармаған болсаңыз, тіркелген медициналық ұйымды eGov.kz порталындағы жеке кабинеттен немесе eGov Mobile мобильді қосымшасынан біле аласыз. Кейбір өңірлерде (мысалы, iKomek) анықтама қызметтері бар, олар сіздің тұратын мекенжайыңызға сәйкес келетін медициналық ұйымды анықтауға көмектеседі. Сонымен қатар, бұл туралы өңірлік денсаулық сақтау басқармаларынан да кеңес алуға болады. Айта кетейік, қажет болған жағдайда – жылына екі рет өз қалауыңыз бойынша, сондай-ақ тұрғылықты жерді ауыстыруға байланысты немесе тіркеу кампаниясы кезінде емхананы ауыстыруға болады (толығырақ http://zan.gov.kz/client/#!/doc/148575/rus). Бұл қызмет eGov.kz порталы арқылы көрсетіледі. Бұл – негізгі минимум. Қай емханаға тіркелгеніңізді білген соң, сол жерге жүгініп, қажетті медициналық көмекті ала аласыз. Әр тіркелген азамат жыл сайын өз емханасында профилактикалық тексеруден өтуге құқылы. Бұл ауруларды ерте кезеңде анықтауға және денсаулықты сақтауға мүмкіндік береді. Ең алдымен – флюрография. Ол өкпе ауруларын ерте анықтау үшін жылына бір рет жасалады. Әйелдер міндетті түрде алдын ала қаралу кабинетіне баруы керек. Онда профилактикалық тексеру жүргізіліп, шағымдар туралы сұралады, онкоцитологияға жағынды алынады және жалпы әйелдердің денсаулық жағдайы бағаланады. Сонымен бірге жасына байланысты ерлер мен әйелдерге, шағымның бар-жоғына қарамай көрсетілетін маңызды медициналық қызметтердің бірі – скринингтік тексерулер. Олар жүрек-қан тамырлары, онкологиялық және басқа да ауруларды ерте кезеңде анықтауға бағытталған.

Айта кетерлігі, осындай тексерулерден тұрақты түрде өту мәселелерді уақытылы анықтап, асқынулардың алдын алуға мүмкіндік береді.

Мархабо САПИДУЛЛАЕВА,
Jacksoft MDS клиника ВОП дәрігері.

Зиёратчилар учун

СЎЗОҚДАГИ ҚОРАБУҒРА ҚАДАМЖОСИ

ИЧКАРИСИДА ДАРАХТ ЎСИБ ТУРГАН МАҚБАРА

Сўзоқ туманига икки кунлик иш сафарим ниҳоясида обунада холис ёрдам кўрсатаётган эътиқодли ҳамюрт ҳамроҳларим, Туркистон вилоятининг ибратли фуқаролари – туман ЎЭМБ раиси Муҳаммаджон Бобоев ва А. Навоий мактаби директори ўринбосари Султонбой Рўзиматов билан Сўзоқ қишлоғи марказида жойлашган Қорабуғра авлиё мақбарасига зиёратга ташриф буюрдик.

2025 йилнинг биринчи ёққан қори атрофга ажиб чирой бахш этган. Туман маркази Чўлоққўрғондан Сўзоқ қишлоғига автокўликда келган зиёратчилар тошйўлнинг ўнг томонида жойлашган "Торса" тўйхонасидан ўтгач, махсус ёзув билан йўналиши кўрсатилган манзилга – чап тарафга бурилиб, мақбарага боришади. Бу даргоҳга – Туркистон шаҳар оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари, обунада фаол отахон Нурсеит ҳожи Шарипули таклиф-ташаббуси билан илк марта 12 йил муқаддам нуроний отахонлар Жарилқасин Азретбергенов, Тўлқин Саидмуродов, Обиддин Фахриддинов, Мирзахмет Сарманов – жами 45 киши билан бирга зиёратга келганимизни яхши эслайман. Зиёратчилар учун барча шароит муҳайё қилинган. Мақбара ҳовлисида кўп қаватли муҳташам меҳмонхона ва зиёратчилар овқатланиши учун усти ёпиқ, икки юз киши сиғадиган кенг айвон ҳам янгидан бунёд этилган. Қорабуғра авлиё – А. Яссавийнинг замондоши. Ҳазрат Яссавий вафотидан олдин ўзининг жаноза намозини ўқийдиган тақводор шахс қора туяда келишини башорат қилгани ҳам бежиз эмас. Қорабуғра авлиё А. Яссавийни

чин дунёга рихлати чоғида жаноза намозини ўқиб, сўнггги сафарга кузатган тарихий шахс.

Мақбара иккита катта хонадан иборат бўлиб, бири Қуръон тиловати учун мўлжалланган. Қорабуғра авлиё дафн этилган тўрдаги кенг хонада ўнг томонда дарахт ўсиб турганлиги ҳам ўзига хос мўъжиза кўриниш. Ушбу мақбара 1997 йили таниқли меъмор Қуралбай Керимбекули Ержанов лойиҳаси асосида бунёд этилган. (марҳум Қ. Ержанов ҳам мақбара ҳовлисида дафн этилган). Ўтган йиллар бадалида ушбу тарихий масканни нафақат вилоятимиз, балки қўшни туркий давлатлардан минглаб сайёҳлар келиб, эътиқод ила зиёрат қилишди. Обунада фаол А. Навоий номли мактаб ҳам мақбара яқинида жойлашган. Ўтган йили октябрь ойида "Оталар чойхонаси" анжумани иштирокчилари ҳидоят илмининг дарғаси Рўзмат ҳожи Камолов бошчилигида Қорабуғра авлиё мақбарасига биргаликда ташриф буюриб, зиёрат қилганимиз шонли тарих.

А. Навоий номли мактаб директори Нурмуҳаммад Болтабоев ҳам ҳамкасблари билан сафар чоғида бирга ҳамроҳлик қилганди. Қоратоғ тизимидаги баланд тоғлар орқали ўтиб бориладиган ушбу сафар барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирганди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: туман ЎЭМБ раиси М. Бобоев ва А. Навоий мактаби директори ўринбосари С. Рўзиматов мақбара чироқчиси билан; Қорабуғра авлиё дафн этилган мақбара ичкарисида дарахт ўсиб турибди.

Муаллиф суратга олган.

ДЕНСАУЛЫҚ – ТЕРЕҢ БАЙЛЫҚ

Күз, қыс мерзімінде түрлі ауру – сырқаттар көбейеді. Олар туралы көбірек білу аурудың алдын алуға көмек береді.

Дифтерия – Corynebacterium diphtheriae бактериясынан (Леффлер бацилласы, дифтерия таяқшасы) туындаған жұқпалы ауру, оның өлімі 50%-ға дейін жетеді. Ұзақ уақыт бойы жаппай вакцинацияның арқасында бұл инфекция толығымен жеңілді деп саналды, бірақ оның өршуі әлі де әртүрлі елдерде, соның ішінде дамыған елдерде де тіркелген. Бұл аурудың ауырлығы дифтерия таяқшасы бөлетін өте улы токсинге байланысты.

Берілу жолдары

Инфекция жөтелу, түшкіру немесе науқас немесе тасымалдаушы сөйлескен кезде ауаға енетін бактериялар арқылы беріледі. Жұтқыншақтың, мұрынның, жоғарғы тыныс жолдарының шырышты қабығында дифтерия таяқшасы көбейіп, бір уақытта арнайы у – дифтерия токсинін шығарады. Олар жүрекке, тамырларға және орталық жүйке жүйесіне әсер етеді. Бұл органдардың зақымдануы өлімге әкелуі мүмкін.

Аурудың белгілері

Дифтерия ауруының алғашқы белгілері ЖРВИ белгілеріне өте ұқсас: температура аздап көтеріледі, көбінесе 38 °С-тан аспайды, жұлдыруда аздап ауырсыну пайда болады. Ата-аналар баланың мұрнынан су ағып кетпейтіні алаңдатуы керек. Біраз уақыттан кейін жұлдыруда, көбінесе бездерде ақ-сұр жабын пайда болады, бала дауыстың естілуіне және тыныс алудың қиындауына шағымдана алады.

Кейде ата-аналар дифтерияның белгілерін тонзиллит ретінде қабылдайды және үйде өзін-өзі емдеуді бастайды. Бұл кейде жағымсыз салдарға әкеледі, Егер сіз осы аурулардың негізгі айырмашылықтарын білсеңіз, оны болдырмауға болады:

- дифтерия кезінде таңдай қабыну процесіне қатысады, ал ангина кезінде тек бадамша бездер әсер етеді.

- жұтылу кезінде қатты ауырсыну ангинаға тән, бірақ дифтерия кезінде ауырсыну аздап байқалады, науқас ыңғайсыздық сезінеді.

Дифтерияның асқынуы

Дифтерия, басқа инфекция сияқты, жүрек бұлшықетінің, тыныс алу бұлшықеттерінің және диафрагманың салдануы, жұмсақ таңдайдың, бет бұлшықеттерінің, мойын, дің және аяқ-қол бұлшықеттерінің салдануы сияқты көптеген асқынуларды тудырады. Бұл инфекциямен өлім-жітім жоғары, жыл сайын науқастардың 10-нан 20%-на дейін өледі.

Дифтерияның алдын алу

Дифтерияға қарсы егу 2, 3, 4 және 18 айлық балаларға көкжөтелге, сіреспеге, "В" гепатитіне, гемофильді инфекцияға және полиомиелитке қарсы кешенді вакцинамен бір мезгілде жүргізіледі. Одан әрі 6 жастағы балалар Акдс бустерлік дозасымен егіледі, 16 жастағы жасөспірімдер мен ересектер әр 10 жыл сайын дифтерия мен сіреспеге қарсы АДС-М вакцинасымен егіледі.

Енді сіз осы қауіпті және кейде арамза ауру туралы біліммен қаруланған болсаңыз, уақытында медициналық көмекке жүгінудің қаншалықты маңызды екенін және балаларға ғана емес, ересектерге де дифтерияға қарсы вакцинацияны қалай жүргізу керектігін түсінесіз. Өз денсаулығыңыз бен балаларыңыздың денсаулығын қорғаңыз!

Сохибжамол САЛИМБАЕВА,
Сауран ауданы,
Шыпан дәрігерлік амбулаториясы егу мейірбикесі.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти собиқ ходим, нафақадор Мухтор Муҳаммедовга укаси, журналист Наргиза Мавлоновага тоғаси

Тоҳир ҚЎРҒОН ўғли-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

КИМ КАФОЛАТ БЕРАДИ?

Яқинда халқимиз қўлига Қозоғистон халқи Ассамблеяси ҳамда ҚР ўзбеклари этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг 30 йиллигига бағишлаб, чоп этилган “Дўстлик карвонида 30 йил” номли китоб етиб борди.

Рисолани нашрга тайёрлашда юртимизнинг бир гуруҳ олимлари ҳам иштирок этган. Унда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиш маросимидаги сўзлаган нутқидан иқтибос келтирилган. Унда Давлат раҳбари Қозоғистонда умргузаронлик қилаётган ўзбекларнинг ҳаёти, маданияти, маънавий дунёсига юксак баҳо берганлиги қувонарли ҳол эканлигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари Марат Азилхановнинг “Дўстлик” ҳамжамияти фаолиятига берган баҳоси ҳам ўз ифодасини топган. Унинг сўзларига кўра, 30 йил мобайнида бошқарган Бахтиёр Қодирбеков, Озод Тошпўлатов, Рўзақул Холмуродов, Раҳматжон Абдусатторов, Ғофур Қосимов, Икром Ҳошимжонов жамиятнинг турли босқичларида фидойилик билан меҳнат қилган.

Шундан сўнг, китоб саҳифаларида Б. Қодирбеков, Р. Холмуродов, Р. Абдусатторов, Ҳулкар Ҳамроеваларнинг чоп этилаётган нашрга муносабати, фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Китобнинг 5, 7, 12, 22-25, 27-29, 220-221, 227-228, 231 саҳифаларидаги маълумотлар ҳамда 2017-2024 йилларда Туркистон вилояти ўзбек маданият марказиси(ЎММММ)ни бошқарган Бадриддин Нишонқуловнинг (203-206 бетларда) йиллик режалари, амалга оширган ишлари ва фаолиятини аниқ далиллар асосида аниқ ва равшан ифодаланиши китоб муаллифларининг катта ютуғи десак, муболаға бўлмайди.

Китоб саҳифаларида Туркистон вилояти ЎЭМБ раиси Баҳодир Ирисметов, Шимкент шаҳар ЎЭМБ раиси Тоҳир Нишонбоев, Ал-Форобий тумани ЎЭМБ раиси Шуҳрат Рўзиматов ва Оқсоқоллар кенгаши раиси Орифжон Холназаровларнинг бугунги кунда олиб бораётган эзгу ишларига юксак баҳо берилган.

Ҳар қандай ишда бўлганидек, китобда ҳам айрим хато ва камчиликлар мавжуд. Шулардан: Чимкент шаҳрида илк бор 1989 йил 17 декабрда ташкил топган ўзбек маданият марказини “28 ноябрь куни” (182-183 бетларда) дейилган бўлса, 17-бетида “1989 йил 21 ноябрь куни... қурултой ташкил этилиб, ЎММММга асос солинди” дейилиши ажабланарли, ҳам кулгили ҳол. Наҳотки, 27 кунда 3 марта қурултой ўтказган бўлса, деган савол туғилади.

Бундан ташқари ҳам кўплаб таҳририй ва ҳақиқатга зид фактлар келтирилган. Шулардан: 17-бетда “... марказнинг очилишида... Собиржон Нурматов ва Абубакир Қорахўжаевларни қўллаб-қувватлаб, сармоя билан таъминлаб, ...”да “сармоя билан таъминлаб” деган жумла ўринсиз. 19-бетдаги шаҳримиздаги “Пресс автомат” заводининг бош конструктори, СССР давлат мукофоти лауреати Абдулла Абдуқодировни “СССР рационализатори” деб кўрсатилиши кулгили.

181-бетда ЎММММ асосчиси сифатида, Собиржон Нурматов эмас, Эргаш ака Йўлдошев дейилиши ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Шу ерда “Абубакир Хонхўжаев”ни исми, фамилиясининг кўрсатилиши ҳам нотўғри, “... анжуманда вилоят ва шаҳар ижрокўми раислари, вилоятнинг мутасадди раҳбарлари” эмас, оддий ходимларидан икки нафари қатнашган эди.

Илк бора Шимкент шаҳар ўзбек маданият жамоат бирлашмасининг ташкил топиши ҳам китобда нотўғри талқин этилган. Яъни 2010 йил 22 майда ўтган қурултойда “Ёшлар қаноти” вакили Олимжон Ирисметовнинг ғалаба қозонгани шу пайтдаги вилоят ЎММММ раҳбари И. Ҳошимжонов раислигида ўтган эди-ку.

130-бетда “Таълим кенгаши аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан Жанубий Қозоғистон вилоятида ўтадиган ўзбек тили ва адабиёти олимпиадасига Республика мақомининг берилишида “кенгаш аъзоларининг” хизматлари эмас, 2000 йилларнинг бошида махсус комиссия раиси, камина Ҳайитмат Муҳиддинов ва раҳматли Нуринисо Жамол қизининг шу пайтдаги вилоят таълим департаменти раҳбари Айман Илеуовага йўллаган хати натижасида амалга ошган. Кенгаш аъзоси раҳбарининг бу ишда меҳнати сингмаган.

Энг ачинарлиси шундаки, қурултой олдидан Сайрам тумани қишлоқларидаги зиёлиларга қурилажак ЎММММнинг аҳамияти, келажакдаги роли хусусида тарғибот ишларини олиб борган ҳамда қурултойнинг рисоладагидек ва сермазмун ўтишини таъминлаган, раислик қилган, шунингдек, ажойиб маърузаси билан йиғилиш қатнашчилари (делегатлари) қалбида бир умрга ўчмас из қолдирган Ирисмат Юнусметов (Сарварий)нинг номи тилга олинмаганлиги. Таъсис қурултой ташкилотчиларидан Сарварий, Эшпўлат Қирғизбоев, Абдулла Абдуқодиров, Абубакир Қорахўжаевлар хусусида маълумотлар етарли эмас.

Аксинча, ЎММММ асосчилари рўйхатига кейин келиб қўшилганлар ҳам кириб қолган.

Китобда Рўзақул Холмуродов ҳамда Раҳматжон Абдусатторовларнинг амалга оширган энг муҳим ишлари кўрсатилмаган.

Шунингдек, 163-164-бетларда “Театр очилишида” ... “12 апрель (2002 йил) куни “Жастар” тўйхонасида ўтган вилоят ЎММММнинг 10 йиллик тўйи...” дастурхонига машҳур табиб Ўсарқул ҳожи Ирисқулов қорамол...” армуғон қилганлиги атаб ўтилган. Бу тарихий воқеани унутиб бўлмайди.

Китоб саҳифаларига қўйилган суратларга ҳам эътибор қаратайлик, 10, 115, 117-118, 293-бетлардаги суратлар ўзгартирилиши зарур. 232-бетда “Қазақ дастарханы” ўрнига оддий сурат қўйилган.

Китобда вилоят ЎММММ қошида ташкил этилган махсус комиссия раҳбарининг “Йил одами” унвонини таъсис этишдаги хатти-ҳаракатлари 2000, 2001 “Йил одами” тақвимини ишлаб чиқиб, 51 нафар халқимизнинг асл фарзандлари акс эттирилган календарь харид қилиниб, тушган маблағга вилоят ЎММММнинг 10 йиллиги арафасида аёл ва эркаклар учун зарбоф тўн харид қилганмиз. Шунингдек, ўзбек тўйларини тартибга келтириш ҳамда санъаткорлар хизматини тўғри баҳолаш муаммоларини ҳал этганмиз.

Бу китобни бутун дунё ўзбеклари ўқийди, у Давлат раҳбари қўлига етиб боради ва юртимизга ташриф буюраётган олий мартабали меҳмонларга совға қилинади.

Мухтасар қилиб айтганда, “Дўстлик карвонида 30 йил” китобидаги шу каби хато ва камчиликларни тўғирлаб, қайта нашр этиш зарур. Акс ҳолда, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиб, келажак авлод олдида уятга қолмаслигимизга ким кафолат беради? Масъул муҳаррирми ёки бош маслаҳатчими?

Ҳайит МУРОД,
фахрий қурувчи.

P.S. *Ушбу мақолада келтирилган факт ва маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида китобни нашрга тайёрлаган масъул шахслар ва мақола муаллифидан ташкил топган махсус комиссия тузилиши керак. Йиллар бўйи давом этиб келаётган баҳсларга нуқта қўядиган фурсат етди. Зеро, келгуси авлод олдида юзимиз ёруғ бўлсин, азиз муштарийлар!*

БОЛА ҲУҚУҚИ ВА ДЎСТЛИК ҚАДРИЯТЛАРИНИ УЛУҒЛАГАН ТАДБИРЛАР

“Султонработ” умумий ўрта таълим мактабида ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, дўстлик ва бирдамлик каби инсоний қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тарбиявий тадбирлар ўтказилди.

Шулардан бири – “Бола ҳуқуқи – асл хазина!” мавзуидаги маърифий тадбир бўлиб, у кутубхоначилар Зулфия Сексенбаева ва Нуриса Болатбаева ташаббуси билан ташкил этилди. Унда ўқувчиларга бола ҳуқуқлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир давомида болаларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг ҳуқуқий масъулияти тушунтирилди, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг аҳамияти ёритилди. Ўқувчилар махсус тайёрланган китоб кўргазмаси билан танишиб, қўшимча маълумотларга эга бўлдилар.

Тадбир якунида “Ҳар бир бола – беқиёс хазина, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – барчамизнинг бурчимиз”, деган ғоя ўқувчилар онгига сингдирилди.

Шу билан бир қаторда, 5-“А” синфида ўтказилган “DOSBOLike” тарбиявий соати ҳам дўстлик, ўзаро ҳурмат ва уюшқоқлик мавзуларига бағишланди.

Синф соатининг асосий мақсади – ўқувчиларни чин дўстликни қадрлашга, бир-бирига ёрдам кўрсатишга ва жамоада самимий муносабат ўрнатишга ўргатишдан иборат бўлди.

Дарс давомида ўқувчилар дўстликнинг маъноси ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. “Яхши дўст” мавзуидаги саҳна кўриниши намойиш этилди, шунингдек, ўқувчилар дўстликка оид белги ва рамзлар тайёрладилар.

Синф соати юксак руҳда, қизиқарли ва тарбиявий аҳамияти баланд даражада ўтди.

Мазкур тадбирлар ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқувчилар орасида дўстлик, бирдамлик ва инсонпарварлик фазилатларини ривожлантиришга хизмат қилди. Мактаб жамоаси келгусида ҳам тарбиявий аҳамияти юқори бўлган тадбирларни давом эттиришни режалаштирмоқда.

Р. БЕРДИБОЕВА,
фахрий устоз.

МАҚСАД ЯГОНА, ВАЗИФА МУШТАРАК

Шимкент шаҳридаги Гулжан Ўмарова раҳбарлик қилаётган 12-сонли М. Горький номидаги умумий ўрта мактабда “Ватан – куч, оила – шуъла” мавзуида тарбиявий соат ўтказилди. Тадбир мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Мақсуда Турсунқул қизи ташаббуси билан, 5, 6 ва 7-синф ўқувчилари иштирокида ташкил этилди.

Мақсад – ўқувчиларда ватанпарварлик, оиланинг муқаддаслиги ва миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришдан иборат эди.

Тадбирни синф раҳбарлари Дилфуза Юсупова, Айниса Қўчқорова, Лайло Бузрукова ҳамда касбий йўналиш бўйича педагог Зилола Хидировалар ташкил этишди.

7-“Г” синф ўқувчилари Қувандиқ ва Мадиналар тадбирни олиб боришди. Улар Ватан ва оиланинг инсон ҳаётидаги ўрнига тўхталиб, ватанпарварлик руҳидаги шеърлар ўқишди.

Саҳнага Қувандиқ Маммадаминовнинг бувиси Назира ва отаси Салимжон Тожибоевлар, шунингдек, Элёрбек Шомуродовнинг бувиси Муҳаббат Тўйчиева таклиф этилиб, улар ота-она масъулияти ва тарбиясидаги муҳим жиҳатлар ҳақида фикр юритдилар.

7-“Г” синф тайёрлаган “Касблар оламига саёҳат: Ким қаҳрамон?” мавзуидаги саҳна кўриниши меҳнатсеварлик, касбларни қадрлаш туйғуларини мустаҳкамлади.

Камина ҳам меҳмонлар сифатида сўзга чиқиб, касбим ва оиламиздаги тарбия ҳақида фикр билдирдим.

Тадбир “Хоразм” рақси ижроси билан якунланди. Рақс тадбирга файз киритди. Мактаб маъмурияти бадиий ҳаваскорлар устози Азиза Эшметова, фаол ота-оналар Ирода Ашурметова ва бошқа меҳмонларга миннатдорчилик билдирилди.

Малика ЭЛТОЕВА.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: **Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22
Қазиғурт – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42
Сайрам – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулкибош – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Сариоғоч – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10000 нусха.

Буюртма: 2691.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.